

Ўзбекистонлик қори халқаро Қуръон мусобақасида қатнашади



11:49 / 26 сентябрь 929

2024 йил 25–27 сентябрь кунлари Бишкек шаҳрида Қирғизистон муслмонлари идораси томонидан IV халқаро Қуръон тиловати мусобақаси ўтказилмоқда.

Нуфузли мусобақада дунёнинг 30 мамлакатидан келган энг маҳоратли қорилар чиқишини Ислом оламида машҳур бўлган катта қори устозлардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боради.

Мазкур мусобақада юртимиз номидан Ўзбекистон муслмонлари идораси тасарруфидаги “Кўкалдош” ўрта махсус ислом таълим муассасаси 3-босқич талабаси Абдулхай қори Ҳасанов иштирок этмоқда.

Аллоҳ таоло қоримизга улкан зафар ва муваффақиятлар ато қилсин!